

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЎЗБЕК ТИЛИ,
АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**



**“ИЗЛАНИШ
САМАРАЛАРИ”**

**Мавзусидаги ёш тилшунос ва
адабиётшуносларнинг республика
илмий-назарий анжумани
№5**

**МАТЕРИАЛЛАРИ
2019 йил 11 декабрь**

ЎЎК: 811.512.131

811.111

811.521

82/821.0

82/820

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2019 йил 11 декабрь куни ўтказилган "Изланиш самаралар мавзусидаги ёш тилишунос ва адабиётишуносларнинг республика илмий-назарий анжумани материалларидан ташиқил топган.

Тўплам материалларидан филолог мутахассислар, она тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда магистратура ва бакалаврият талабалари фойдаланишлари мумкин. (Мақолаларнинг илмий савияси учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар)

Тахрир хайаъти:

Қурдош Қахрамонов, ф.ф.д, етакчи илмий ходим
Шомирза Турдимов, ф.ф.д, етакчи илмий ходим
Дурдона Худойберганова, ф.ф.д, етакчи илмий ходим
Ёркинжон Одилов, ф.ф.д, етакчи илмий ходим
Санобар Тўлаганова, ф.ф.д, етакчи илмий ходим
Абдувахоб Мадвалиев, ф.ф.н., катта илмий ходим
Гуллом Исмоилов, ф.ф.н., катта илмий ходим
Мархабо Қўчқорова, ф.ф.н., катта илмий ходим
Гулноз Сатторова, ф.ф.н., катта илмий ходим
Латифа Худойкулова, ф.ф.н., катта илмий ходим
Мақсуд Асадов, ф.ф.б.ф.д., катта илмий ходим

Тўплаб, нашрга тайёрловчи:

Азиза Аҳмедова

Мазкур тўплам ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илм кенгашининг 2019 йил 23 декабрь 11-сонли қарорига асосан тавсия этилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

Муҳаррир: М. Сайфуллаев
Бадий муҳаррир: Л Жовлиева
Техник муҳаррир: У. Азизов
Саҳифаловчи: Ф. Зойиров

“Изланиш самаралари”

Нашр литц АIN№ 273 2015. 15. 036
Теришга берилди 06.01.2020
Босишга рухсат этилди 08.01.2020
бичими 60x84 офсет усулида Times усули
Шартли босма табағи 32
110 дона

«ADAST POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида босилди
Тошкент ш Яшнабод т проектная. 9-117

*Мақолада келтирилган факт, далил ва мазмун
учун муаллифлар масъулдир*

Б.Мухаммадиев. Ижодий тасаввур уйғотиш – болалар адабиётидаги муҳим омил.....	447
D.Sadikova. Xitoy shoirlari Li Bo va Du Fu ijodida “ayol” obrazining ifodalanishi.....	451
Ф.Султонқулова. Усмон Азим шеърлятида метафорик образларнинг қўлланилиши.....	455
Ш. Сиддиқова, Ш.Бурхонов. Ёш авлод маънавий камолотида бадий адабиётнинг ўрни.....	459
N. Salohiddinova. Farida Afro`z she`riyatining o`ziga xosligi.....	463
В.Аҳмедова. Амир Темур образи драматурглар талқинида.....	467
О.Юлдашев, Г. Юсупова. Мухаммад Юсуф лирикасида метафора унсурлари.....	471
Т.Нажмиддинов. Борхес ижодида ижтимоий мавзу.....	474
З.Соҳибова. Эркин Воҳидов шеърларида йил фаслларининг рамзий талқинлари.....	480
С. Нуруллаева. Замонавий ўзбек шеърлятида пари образининг рамзий-тимсолий талқини.....	487
Н. Қодирова. Тарихий-маданий методдан фойдаланишда мунаққид маҳорати.....	491
В. Атаханова. “Китоби дадам кўркут” асаридаги умумтуркий мотивлар.....	495
Д. Қаландарова. “Сибизга воласи”нинг бадий-эстетик қиммати.....	499
З. Қаршибоева. Усмон Азим шеърларида халқона оҳанг.....	507
Г. Тешаева. “Ўткан кунлар”: адабий таъсир ва ўзига хослик.....	510

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ПАРИ ОБРАЗИНИНГ РАМЗИЙ-ТИМСОЛИЙ ТАЛҚИНИ

Фольклор турли қиёфадаги мифологик образларнинг бойлиги ва таркиби бўлиб, оғзаки ижод намуналарида ҳар бир халқ қиёфаси, таркиби ва руҳияти акс этади. Халқ оғзаки ижодига мансуб ранг-баранг образларнинг ҳар бири муайян рамзий маънога эга бўлиб, таркиби, мифологик образлар ўзига хос тимсолий мазмун ифодалаб келиши билан алоҳида эътиборни тортади. Хусусан, ҳозирги шеърятда ҳам улар ўзига хос рамзий маъноларда қўлланиб келинаётгани диққатни тортади.

Фольклор образлари стилизацияси кўринишларидан бири мифологик образлар стилизацияси бўлиб, ёзма адабиётда ижодкорлар томонидан жобий (пари, Хизр каби) ва салбий (ялмоғиз, жодугар, шайтон ва шунга) мифологик образларни қўллаб, ўз мақсад ва ғояси йўлида қўлланади. Шундай образлардан бири пари образи бўлиб, 17. — замонавий ўзбек шеърятини бу образдан гўзаллик, ўзига ром қилиш, қодулаш, ҳимоя қилиш каби хусусиятларни бадиий ёритишда қўлланади. Лекин пари образи кўпинча тўғридан тўғри стилизация қилинмай, кўчма маънода қўлланилади, яъни 18. — метафоризация қилинади. Бунинг натижасида поэтик нутқининг экспрессивлиги ҳам таъминланади.

Замонавий ўзбек шеърятини намуналарида пари образи кўпинча 18. — гўзал қиз тимсолини яратишда қўлланилгани кузатилади. Масалан, 201. — ўра Сулаймон ўз шеърларида гўзал қизни парига қиёслайди:

Баркамол ёшинг қутлуғ, ажаб қайрилма қош қиз,
Соҳибжамоллигингга ой билан кун талош қиз,
Ўзи, кўзи, ой юзи танда жонга туташ қиз,
Жунун савдосин солма бу бошга **париваш** қиз [6,45].

Шоирнинг “Сенингсиз” сарлавҳали шеърининг олинган қисмидаги парчада жунун, яъни телба билан париваш қиз образларининг ёнма-ён келтириляётгани эътиборни тортади. Бунда фикр тўппа-тўғри парига эмас, балки парига ўхшаган гўзал қизга қаратилмоқда.

Пари ҳақидаги мифик тасаввурлар генезиси Ўрта Осиёда яшаган қадимги деҳқонларнинг ҳосилдорлик гоёси билан боғлиқ аграда культлар ва гўзаллик тушунчасига алоқадор эстетик қарашлар замирида шаклланган [7, 6].

Пари образининг ўзига хос белгиларидан бири унинг сув билан боғлиқлигидир. Халқ қарашларига кўра, парилар сув ҳавзаларида (дарё, ариқ, сой, кўл, қудук) ҳам яшайдилар, деб тасаввур қилинади. Шунга кўра, шоирлар сув париси образидан ҳам фойдаланишади. Жумладан, Муҳаммад Юсуф ижодида шундай сатрлар учрайди:

Сен кўкдаги ҳарир кўйлак **ҳур-пари**,
Кўк кўлдаги тиниб қолган **сувпари**.
Муҳаммаднинг кўнглидаги дилбари,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек [5,81].

Шоир гўзал қизни аввал кўкда учиб юрган қанотли париға, сўн қўл тубини манзил қилган сув парисига ўхшатган. Ҳар иккала ҳолатда ошиқ шоир кўнглидаги дилбарига етишиши мушкуллигини бунинг орзу эканлигини таъкидламоқчи.

Фольклоршунос олим О.Қаноновнинг кузатишлари шун кўрсатадики, сув парилари ўзбек шомонлари билан доимий ритуал мулоқотда бўлиб турадиган хомий руҳлар тоифасига мансуб мифологик образлар сирасига киради [7,8]. Масалага шу томонда қараганда, сув парисига ўхшаган суюкли қиз ошиқ йигитнинг нажоткори, кўнгли дардининг давоси, ҳаёт йўлининг йўлдоши синовларда унинг қувватловчиси, деб тушуниш мумкин.

Иқбол Мирзонинг “Тубида тош думалатиб...” деб бошланувч кўйидаги шеърда эса париларга хос учини, авраб олини, жодулаш ақлини ўғирлаш сифатларидан рамзий маънода фойдаланилган:

Рўмолини қанот қилган **пари** ўтди,
Кўз учида менга қарай-қарай ўтди,
Нигоҳлари жонимдан ҳам нари ўтди,
Сиздан теккан изтироблар ўтмади, ёр,
Кўзларимдан кўзларингиз кетмади, ёр [4,30].

Эътибор қилсак, тўртинчи мисрада шоир пари қиздан теккан изтироблар ўтиб кетмаганини айтади. Демак, мифологик тасаввурларга хос париларнинг зиён етказиш хусусияти бадий ҳақиқатга айлантирилган. Фақат бу зиён кишининг соғлигига эмас ошиқнинг кўнглига етган, ишқ дардига мубтало қилган.

488

Суюкли шоирларимиздан Ҳалима Аҳмедованинг “Бошқа дунё қидир...” шеъри сеҳр-жодудан-да қудратли куч – ишқ ҳақида бўлиб, унда пари ва ялмоғиз образларини қарама-қарши қўйиш орқали муҳаббатнинг нақадар сирли туйғу эканини ифодалашда фойдаланилган:

Умрим коинотнинг умридан узун,
Ўлим, кўрқокдирсан, сен-да бир ожиз.
Даҳшат ўрмонлари ичра ногаҳон
Париға айланди қадим ялмоғиз:
Мен сени нақадар севаман [2, 100].

Ошиқ ишқ туфайли шунчалар масрурлигидан ҳаётни, умрни оқий деб тасаввур қилади ва унда фақат ёрқин ранглари кўради: олимдан ҳам кўрқмайди, ўзини ундан кучли деб билади, ҳамма нарса ҳақат чиройли ва яхши бўлиб туюлади, ҳатто даҳшат ўрмонларининг таси саналмиш қари ва хунук ялмоғиз чаманзорлар бекаси паридек иш ва гўзал бўлиб кўринади. Умуман олганда, шоира ижобий(пари) амда салбий(ялмоғиз) мифологик образларни ёнма-ён келтириб, қаршилантиради ва шеър бағрига “муҳаббат – ялмоғиз (ёвузлик)ни ам пари (эзгулик)га айлантирувчи куч” деган гоёни сингдиради.

Айтишларича, парилар одатда тунда базм қиладилар ва тунда замона бўладилар. Замонавий ўзбек шеърлятида ҳам париларга хос наана шу хусусиятдан жуда кўп фойдаланилган. Жамол Камол ижодида бу кўйидагича ифода этилган:

Сен мурувватсиз эмишсан,
Эй малоҳатлиг **пари**,
Келмадинг ораста оқшомнинг
Сўлим маҳтобида [3,216].

Йигит паридай сулув қизни тунда келади деб, кутади. Бирок гўзал уни дийдор билан сийламаганидан ошиқ озурдалигини билдирмоқда.

Жамол Камолнинг яна бир шеърда кўйидаги ифода учрайди:

Тонгла кел, деб ул **паривашга**
Саломлар йўлладим,
Тунда боргум, деб жавоб айтди.
Шабистондир умид [3,192].

489

Ёрни эрта тонгдаёк кўриш умидидаги йигит унга хабар йўллайди. Аммо парисифат қиз пари каби тунда намоён бўлишини айтади.

Жамол Камол қаламига мансуб қуйидаги мисраларда ҳам пари образига мурожаат қилинган бўлиб, унга хос хусусиятлар янада бўрттирилиб, ёрга кўчирилган. Парилар тунда ўткинчиларни давраларига тортгани каби сулув қиз “кеча ошифтаҳол” ва “кўп муштоқ” бўлиб, ошиғини чорлаган. Шоир парилар тонгга яқин ғойиб бўлиши мотивидан фойдаланган, фақат буни париваш қиз ошиқни “саҳарлаб уйдан қувди” кўринишида ифодалаган:

Ул паривашким саҳарлаб
Қувди бизни уйидин.
Кеча кўп ошифтаҳол эрдию
Кўп муштоқ эди [3,186].

Демак, поэтик нутқда мифологик образлар метафоризация қилинар экан, уларга хос қайсидир сема сақланган ҳолда тимсолий образлар яратилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, “метафоризация ҳодисасининг заминида қиёслаш натижасида эришилган (аниқланган) ўхшатиш идеяси ётади” [1, 23]. Пари образидан, асосан, рамзий маънода бениҳоя гўзал, ўзига ром қилувчи, ишққа мубтало қилувчи, телба қилувчи, жодулаб олувчи маъноларини ифодалаш учун фойдаланилади. Қолаверса, пари билан боғлиқ тунда пайдо бўлиш, унга дуч келганни сеҳрлаш (зиён етказиш), тонг отмасидан ғойиб бўлиш, хилват ва кимсасиз ерларни манзил қилиш мотивлари ҳам стилизация қилинади. Натижада ушбу мифологик образ шеър бағрида қайта туғилади ва поэтик жозибани оширади.

Хуллас, образлилик, тасвирийлик каби категориялар хос бўлган бадий нутқда тилнинг эстетик функцияси намоён бўлади. Ўқувчига алоҳида куч билан таъсир қилиш, образ яратиш учун тасвирий восита сифатида, асосан, метафорадан фойдаланилади. Пари мифологик образи ҳам замонавий ўзбек шеърлятида хилма-хил поэтик ва рамзий ифодалар яратишда ўзига хос ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг фойдаланиши. – Т.: Фан, 1983.
- Ахмедова Х. Эрк даричаси: шеърлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нафақати, 1996. – 120 б.
- Камол Ж. Аср билан видолашув. Сайланма. I жилд (Шеърлар, “Кўстонлар”). – Т.: Фан, 2007. – 336 б.
- Мирзо И. Сени бугун кўрмасам бўлмас (Шеърлар). – Т.: Истиклол, 2015. – 68 б.
- Мухаммад Юсуф. Шоир севгиси. – Т.: Noshir, 2014. – 196 б.
- Сулаймон Т. Истар кўнгил (Шеърлар, дostonлар). – Т.: F.Фулом, 1984. – 222 б.
- Қаюмов О.С. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси): Филол. фанлари номз.... дисс. автореф. – Т., 1999. – 26 б.

*Насима ҚОДИРОВА, таянч докторанти
(Бухоро давлат университети)*

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕТОДДАН ФОЙДАЛАНИШДА МУНАҚҚИД МАҲОРАТИ (И.Ҳаққулов ижоди мисолида)

Ижодкор услуби – санъаткорнинг ҳаётни, ҳаёт моҳияти, унинг ҳаётларидаги ҳақиқатни акс эттириши билан боғлиқ бўлса, адабиётшунос услуби бадиий матнни тушуниш, уни тадқиқ ва таҳлил этишдаги ўзига хосликни билдиради. Шундай экан, адабиётшунос услубини белгиловчи бир қанча омиллар мавжудлиги кўринади.

Услуб, аввало, олимнинг, табиатидан, бадиий асарни тушуниши ва қабул қилишига боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунинг учун услуб ҳар бир адабиётшунос, танқидчининг индивидуаллигини, маҳоратини белгиловчи энг муҳим омилдир. Мунаққид ёки адабиётшунос олим услуби унинг мақола ёки тадқиқотининг тили, жанри, композицияси, воқелик ва бадиий асарлардаги “сир”ларнинг аниқланиши, таҳлил методларидан фойдаланиши, пафоси, ҳаёт билан алоқадорлиги, бадиий диди, асар баҳонасида ҳаёт ва воқелик, инсон ва келажак ҳақидаги мустақил мушоҳадаларнинг баён қилинишидаги [2,26] ўзига хосликдан келиб чиқади.